

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 07/30.12.2019.YU.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЗАРОВ ШАВКАТЖОН ТАДЖИБАЕВИЧ**

**ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ**  
**ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Бозаров Шавкатжон Таджибаевич**

Лизинг шарномасининг мазмуни ва уни қўлланишининг ҳуқуқий асосларини  
такомиллаштириш.....3

**Бозаров Шавкатжон Таджибаевич**

Содержание договора лизинга и совершенствование правовых основ его  
применения .....23

**Bozarov Shavkatjon Tadjibaevich**

Content of the leasing contract and improvement of the legal basis for its  
application.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЗАРОВ ШАВКАТЖОН ТАДЖИБАЕВИЧ**

**ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ**  
**ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Yu388 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Самарходжаев Батир Билялович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Хазраткулов Одилбек Абдуллаевич**  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона  
қўмитаси божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 18 август куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (973-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 3 август куни тарқатилди.

(2021 йил 3 августдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Д.Ю. Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**С.С. Гулямов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда лизинг мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтирилган инвестиция фаолиятининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. White Clark Group компаниясининг World Leasing Yearbook нашриёти учун тайёрлаган маълумотларига кўра, 2020 йилнинг бошланиши ҳолатига дунёнинг энг ривожланган бешта давлатида лизинг хизматларининг умумий ҳажми қуйидагиларни ташкил қилган: Америка Қўшма Штатларида – 473,38 млрд АҚШ доллари; Хитой Халқ Республикасида – 251,47 млрд АҚШ доллари; Буюк Британияда – 96,44 млрд АҚШ доллари; Германияда – 87,08 млрд АҚШ доллари; Японияда – 73,56 млрд АҚШ доллари<sup>1</sup>. Республикада лизинг компанияларининг сони ва лизинг амалиётларининг ҳажми доимий ошишига қарамай, юртимизнинг лизинг бозори нисбатан катта бўлмай, 2019 йил 31 декабр ҳолатига 5,67 трлн сўм ёки 541,24 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.<sup>2</sup> Ушбу кўрсаткичлар лизинг шартномаси қўлланилиши кенгайиб бораётганлигини ҳамда молиявий ижара шартномасининг бир тури бўлган лизинг шартномасининг ижара, қарз ва кредит шартномалари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда дунёда лизинг муносабатлари, хусусан, халқаро лизинг битимларини имзолаш орқали катта саноат объектлари қуриш, авиация ва темир йўл транспорт воситалари, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига ускуналар етказиб беришни молиялаштиришни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Лизинг шартномаларини тузиш ва бажариш жараёнида самарадорлик, хавфсизлик ва сир сақлаш даражасини оширишга алоҳида диққат қаратилиб, лизинг муносабатларига илғор технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида лизинг хизматлари ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш белгиланган. Амалдаги қонунчиликда хорижий давлатларда жадал ривожланаётган замонавий лизинг турлари, масалан, жисмоний шахслар учун автолизинг, юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга лизингни жорий этиш учун тўсқинлар мавжуд. Бундан ташқари, лизинг компанияларининг лизинг муносабатларда ҳукмронлик қилиши сабабига кўра, лизинг олувчилар ҳуқуқларини бузилиш ҳолатлари мамлакатимизда лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали тизимини яратишни тақозо қилади, лизинг компаниясининг ҳуқуқий мақомини ноаниқлиги ва лизинг фаолиятининг давлат томонидан минимал даражада ҳам тартибга солилмаганлиги эса

<sup>1</sup> World Leasing Yearbook 2021. Edited by Liza Paul. 42<sup>nd</sup> Edition. P.3

<sup>2</sup> <https://ula.uz/>

потенциал инвесторларни жалб қилиш ва иқтисодиётнинг ушбу секторида инвестиция имкониятларини кенгайтиришга жиддий тўсиқ бўлмақда.

1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги 756-И-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон фармойиши ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар амалга ошириш жараёнида лизинг муносабатлари масалалари Х.Р. Раҳмонқулов, О. Окюлов, Р.Ж. Рўзиев, С.С. Ғуломов, Н.Ф. Имомов, Б.Б. Самархўжаев, С.В. Бобоқулов, Д.М. Қараходжаева, И. Анортоев, Д.И. Бабаджанов, А. Сабитов, Д.Г. Гозибеков, А.Г. Муминов, О.М. Кулжонов каби ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар томонидан ўрганилган.

Республикада лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни махсус илмий тадқиқот даражасида ўрганилиши О.Т. Ҳазратқулов (2005) томонидан амалга оширилган. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган монографиясида (2014) у республикамизда лизинг соҳасидаги лизинг шартномаси ва шартномавий муносабатларнинг илмий-назарий жиҳатдан ёритилмаганлигига эътибор қаратади<sup>1</sup>.

Лизингнинг тадқиқотлари билан МДҲ давлатларидаги В.А. Белов, М.И. Брагинский, С.Н. Братус, В.В. Витрянский, О.С. Иоффе, Е.В. Кабатова, Т.А. Конова, Е.А. Павлодский, Е.А. Решетник, В.А. Горемыкин, Е.А. Суханов, Е.Н. Чекмаров, В.Д. Газман, А.С. Комарова, К.Ю. Мезенцева, И. Сахарова, Т.Т. Нигматзянов, А. Кучер, И.В. Торрес Ортега каби ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар шуғулланганлар. И.М. Григорьева (2014), А.В. Абрамов (2014), И.В. Торрес Ортега (2011), Е.В. Арсентьева (2003), Ю.С. Харитоновна (2001) каби ҳуқуқшунос-олимларнинг илмий ишлари лизинг шартномасининг турли аспектларига бағишланган.

---

<sup>1</sup> Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. Монография. – Т. Ношир. 2014. Б.5

Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари E.M. Bey, H. Book, T. Clark, D. Cremieux-Israel, R.C. Cuming, P. Durand, J. Esser, M. Givanioli, K. Larenz, R. Laslo, F. Marvud, G. Pace каби хорижлик олимлар томонидан ўрганилган<sup>1</sup>.

Бироқ мамлакатимиз олимларининг ишлари лизинг муносабатларининг алоҳида аспектларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган бўлиб, лизинг шартномасини тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, унинг ҳуқуқий оқибатлари, шу жумладан, лизинг хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари комплекс тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу масалаларни комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2017-2021) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лизинг шартномасини тузиш ва ижро этишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш, лизингнинг янги турларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга мувофиқ **тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- лизинг шартномасининг ҳуқуқий табиати ва мазмунини аниқлаш;
- лизинг шартномаси томонларининг, шунингдек, лизинг объекти сотувчисининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш;
- лизинг объекти ҳуқуқий режимининг хусусиятларини аниқлаш;
- лизинг шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- лизинг шартномаси бажарилишини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун лизинг муносабатлари субъектларининг жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- лизинг шартномасини тузиш ва ижро этишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда асослаш;
- лизингнинг янги турларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда асослаш;
- лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда асослаш.

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

**Тадқиқот объекти** лизинг шартномаси мазмунини ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг қўлланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жамиятдаги муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** лизинг шартномасини тузиш ва ижро этиш, Ўзбекистон Республикасида лизинг берувчилар фаолиятини амалга ошириш, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган лизинг соҳасига оид концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқот усуллари** илмий билишнинг статистик, тарихийлик, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий-ҳуқуқий усуллари билан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларни ташкил қилади:

лизинг олувчи бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектдан фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган;

лизинг шартномаси бузилган тақдирда, лизинг берувчи бир вақтнинг ўзида ҳам барча лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш, ҳам лизинг объектини ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги асосланган;

лизинг берувчининг даъво аризасида бир неча талаблар мавжуд бўлганда, ушбу талаблардан бири, яъни лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ёхуд етказилган зарарни ундириш ва ундирувчи лизинг объектига қаратган тарзда шартномани бекор қилиш талаби қаноатлантирилиши кераклиги асосланган;

лизинг ва кредит шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинганда, субсидиялар лизинг ташкилоти, тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида тузиладиган Бош битимга асосан, шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилиши асослаб берилган;

лизинг асосида етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида аванс тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш, лизинг тўловларининг ўз вақтида ундирилиши ва Жамғармага тўланишини таъминлаш вазифалари лизинг ташкилотига юкланиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қонунчиликда лизинг объектларидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш талабини истисно қилиш зарурлиги асосланган;

қонунчиликда лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга юритилиши бўйича талаб истисно қилиниши ва қонунчиликка ушбу масала томонларнинг келишувига кўра ҳал қилиш имконияти киритилиши асосланган;

бошқа давлатларда лизинг бозорининг ривожланиш динамикаси ҳамда республиканинг ички лизинг бозорида талабни ўрганиш асосида иккиламчи лизинг, жисмоний шахсларга лизинг, венчур ва дастурий таъминот лизинги,

ислом ва халқаро лизинг каби лизинг турларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Муаллиф ўз тадқиқотлари давомида олинган натижаларни миллий қонунчилик меъёрлари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиliga кўра асослайди. Бундан ташқари, диссертант Ўзбекистон Лизинг уюшмасининг Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорининг ҳолати ва динамикаси акс эттирилган статистик маълумотларидан фойдаланган. Диссертациянинг асосий қоидалари апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, унда шакллантирилган назарий қоидалар лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг муаммоларини янада кенг ва чуқур ўрганишда, Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларининг янги турларини жорий этиш ва лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратишда фойдаланиш мумкин. Илмий ишда келтирилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижаларидан талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда олий ўқув юртларининг «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Тадбиркорлик ҳуқуқи» фанларидан маъруза ва семинарлар ўтиш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида лизинг шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лизинг олувчи бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектдан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–572-сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 595-моддасининг учинчи қисми ҳамда 597-модданинг тўртинчи қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 24 мартдаги 10-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши лизинг шартномаси бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни тартибга солишга хизмат қилган;

лизинг шартномаси бузилган тақдирда, лизинг берувчи бир вақтнинг ўзида ҳам барча лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш, ҳам гаров нарсасини ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳақидаги таклиф

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2020 йил 19 декабрдаги 37-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида”ги 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 6-бандининг учинчи хатбошисида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 11 мартдаги 399-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши лизинг олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни самарали таъминлашга хизмат қилади;

лизинг берувчининг даъво аризасида бир неча талаблар мавжуд бўлганда, ушбу талаблардан бири, яъни лизинг тўловларини муддатидан илгари ундириш талаби ёхуд етказилган зарарни ундириш ва ундирувчи лизинг объектига қаратган ҳолда шартномани бекор қилиш талаби қаноатлантирилиши кераклиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2020 йил 19 декабрдаги 37-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида”ги 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 6-бандининг тўртинчи хатбошисида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 11 мартдаги 399-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши лизинг олувчининг манфаатини ҳимоя қилишга хизмат қилган;

лизинг ва кредит шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинганда, субсидиялар лизинг ташкилоти, тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида тузиладиган Бош битимга кўра шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 578-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникасини кредит ва лизинг шартларида харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2- ва 5-бандларини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик бошқармасининг 2021 йил 2 апрелдаги 12/21-12-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши лизинг шартномаси тузишда субсидия асосида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилган;

лизинг асосида етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун

ўз вақтида аванс тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш, лизинг тўловларининг ўз вақтида ундирилиши ва Жамғармага тўланишини таъминлаш вазифалари лизинг ташкилотига юкланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 578-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига киритилган ўзгартиришларда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик бошқармасининг 2021 йил 2 апрелдаги 12/21-12-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши лизинг ташкилоти ваколатини аниқлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола ва тезислар (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика иқтисодиёти ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Лизинг шартномасининг моҳияти ва мазмуни**» деб номланган биринчи бобида лизинг шартномаси тушунчаси, унинг ҳуқуқий моҳияти, лизинг муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари ва тамойиллари таҳлил қилинган; лизинг шартномаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш ҳамда лизинг муносабатлари тизимида олди-сотди шартномаси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Н. Book, К. Larenz, J. Esser, М. Givanioli, Х. Раҳмонқулов, С. Бобоқулов, О. Ҳазратқулов, Е. Кабатова, В. Витрянский, А. Сергеев каби олимларнинг лизинг шартномасининг ҳуқуқий табиатига қарашларини таҳлил қилган ҳолда, муаллиф лизинг шартномаси фуқаровий-ҳуқуқий шартноманинг мустақил тури эмаслиги, балки ижара шартномасининг бир

тури эканлиги тўғрисида хулоса қилади ва унинг фикрига кўра, лизинг тўловларнинг ижара характери буни тасдиқлайди.

Лизингнинг таъминот характери бeлгилашда Шимолий Америка, Европа, МДХ қонунчилиги таҳлили асосида муаллиф томонидан лизингнинг таъминот битими сифатидаги акцессорлигининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди: лизинг шартномаси консенсуал шартномалар турига киришига қарамай, унинг акцессорлиги реал характерга эга, чунки уни лизинг олувчидан талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат лизинг объекти лизинг олувчига амалда ўтгандан кейин пайдо бўлади; амалдаги қонунчилик талабларига кўра, лизинг объектини лизинг олувчидан фақат лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари жиддий тарзда бузилганда тортиб олиш мумкин.

Тадқиқотда лизинг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш масаласи таҳлил қилинади. Деярли барча замонавий давлатларда лизинг фаолияти лицензия олишни талаб қилади ва ваколатли давлат органлари томонидан назорат қилинади. Республика раҳбарияти томонидан лицензиялашни талаб қиладиган фаолият турларини камайтиришга йўналтирилган ҳаракатларни инобатга олиб, муаллиф лизинг соҳасида ўз-ўзини бошқариш концепциясини илгари суради. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот лизинг операцияларини амалга ошириш стандартлари ва қоидаларини ишлаб чиқаради ҳамда уларни ўз аъзолари томонидан бажарилишини таъминлайди. Ўз аъзолари фаолиятида шаффофликнинг таъминланиши, лизинг хизматлари истеъмолчилари шикоятларининг кўриб чиқилиши ва истеъмолчиларга етказилган зарарни қоплаш учун махсус фонд тузилиши орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилади.

Диссертациянинг «**Лизинг шартномаси қўлланишининг ҳуқуқий асослари**» деб номланган иккинчи бобида лизинг шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Лизинг шартномасини тузиш ва бажариш жараёнида рискларни камайтириш муаммосини ўрганишда муаллиф лизинг берувчилар томонидан бўлажак лизинг олувчиларни баҳолашда кредит бюроларининг маълумотлар базаларидан фаол фойдаланиш масаласини тадқиқ қилади. Муаллифнинг фикрига кўра, барча лизинг берувчиларга молиявий ахборотларни кредит бюроларга тақдим этиш мажбуриятини юклаш ва уларнинг кредит бюролар имкониятларидан фаол фойдаланишини рағбатланиш орқали миллий кредит маълумотлари муомаласига жалб қилиш керак.

Муаллиф томонидан лизинг фаолиятида IT-технологиялардан, хусусан, смарт-контрактлар, ҳужжатларни электрон юритиш учун платформалар, мобил иловалар ҳамда оракуллар орқали ташқи тизимлар (банклар маълумотлар базалари, нотариат тизими, транспорт воситаларини рўйхатга олиш тизими ва ҳоказо) билан боғланиш имкониятларидан фойдаланиш масаласи таҳлил қилинади ҳамда улардан фойдаланиш лизинг шартномасини

тузиш ва ижро этишда самара бериши, хавфсизлик ва сир сақлаш даражасини ошириши тўғрисида яхлит хулосага келинади.

Лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқишда муаллиф Р.Х. Раҳмонқулов, Р.Ж. Рўзиев, В.В. Витрянский, Е.А. Сухановларнинг ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилади ва бундай таҳлил асосида лизинг ҳуқуқбузарлиги – бу лизинг битими шартларини деликт қобилиятига эга шахс томонидан айбли бузилиш деб хулоса қилади.

Лизинг олувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, муаллиф томонидан молиявий хизматлар истеъмолчилар ҳуқуқлари бўйича Вакил институтини жорий этиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва фаолият жараёнида лизинг олувчилар ҳуқуқ ва манфаатларига катта эътибор қаратадиган лизинг фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш механизминини яратиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш масаласи таҳлил қилинади.

Диссертациянинг «**Лизинг шартномасини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида лизинг муносабатларининг иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган, лизинг шартномасини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган, юртимизда лизингнинг янги турларини жорий этишнинг истиқболлари ўрганилган.

Иқтисодий ривожланган давлатлар (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Франция ва бошқалар)даги лизинг соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни ўрганиш асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси лизинг қонунчилиги ушбу соҳада лизинг шартномасига аниқ талаблар ўрнатган, лизинг объекти ва субъектларининг ҳуқуқий мақоми, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қамраб олган махсус қонунни ўз ичига олган Франция ва Белгия қонунчилигига яқинлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.1.-бандида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида муаллиф томонидан лизингнинг қуйидаги янги турларини жорий этиш таклиф этилади:

- лизинг берувчиларнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартларини бузганлиги сабабли қайтариб олинган лизинг объекти тақдирини белгилаш билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал қилиш имконини берадиган иккиламчи лизинг;

- лизинг асосида қисқа муддатли ижарага бўлган юқори талабни қондиришга хизмат қиладиган операцион лизинг;

- жорий этилиши нафақат лизинг бозори ҳажмининг жиддий кенгайишига олиб келадиган, балки бир қатор ижтимоий масалалар, шу жумладан, фуқароларнинг уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга кўмаклашадиган истеъмол лизинги;

- хорижий лизинг компаниялари ва халқаро молия институтлари томонидан ишлаб чиқариш ускуналари ва транспорт воситаларини резидентларга лизингга бериш йўли билан хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига фаол жалб қилиш, шунингдек, маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган транспорт воситалари ва саноат ускуналарини кўшни мамлакатларга лизинг асосида тақдим этишни рағбатлантиришга хизмат қиладиган халқаро лизинг;

- аҳолиси ислом дини ахлоқий қоидаларига риоя қиладиган мамлакатимизда ислом молияси бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда нафақат ички сармоялар жараёнини ривожлантириш, балки халқаро ислом молия ташкилотлари ва ислом давлатларида махсус тузилган фондлардан ташқи сармояларни жалб этишга хизмат қиладиган ислом лизинги.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир қуйидаги тавсиялар илгари сурилади:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

1.1. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси лизинг компанияларининг бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг ажралмас элементи бўлган кредит ахборотлари айланмаси тизимига жалб этилиши лизинг тўловларини тўламаслик рискларини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беришини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда лизинг компаниялари кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этмайди ва бўлажак лизинг олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун уларнинг хизматларидан фойдаланмайди.

Лизинг хизматлари тўғрисидаги ахборотларни кредит бюроларига тақдим этиш мажбуриятини ўрнатиш ва кредит бюроларининг ахборотлар базасидан самарали фойдаланишларини рағбатлантириш орқали лизинг берувчиларни кредит ахборотлар миллий айирбошига жалб қилиниши кераклиги асосланади.

1.2. Етакчи халқаро экспертлар ва мутахассислар лизинг соҳасини замонавий рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги тўғрисида ягона фикрга эга. Рақамли технологияларнинг кенг кўламда жорий этилиши лизинг хизматлари таннархини пасайтиради, лизинг битимларини тузиш ва ижро этиш жараёнини тезлаштиради, лизинг соҳасида сир сақланиш ва хавфсизлик даражасини оширади.

Лизинг соҳасига смарт-контрактлар, ҳужжатларнинг электрон айирбошланиши учун платформалар, мобил иловалар, миждознинг шахсий хонаси каби IT-технологияларнинг жорий этилиши лизинг келишувларини имзолаш ва ижро этиш самарасини ошириш, рискларни камайтириш, лизинг соҳасининг умумий рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши тўғрисида хулоса асосланган.

1.3. Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистон каби МХМнинг етакчи мамлакатларида тижорат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган лизинг кенг ва фаол қўлланилади. Ушбу мамлакатлар қонун чиқарувчилари 10-15 йил аввал лизинг объектидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш талабидан воз кечган.

Бизнинг лизинг қонунчилигимизда эса ушбу талаб ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Миллий қонунчилигимиздан лизинг объектидан тадбиркорлик фаолияти мақсадларида фойдаланиш бўйича талаб истисно қилиниши керак. Бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган субъектларга лизинг хизматларини тақдим этиш орқали уларнинг ҳажмини кенгайтириш имкониятини яратади.

1.4. Лизинг объектини лизинг олувчи балансида рўйхатдан ўтказиш бўйича талаб уни ҳисобга олиш учун балансга эга бўлмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматларини кўрсатишни имконсиз қилади. Ушбу талаб бутун дунёда кенг тарқалган лизинг хизматлари туридан жисмоний шахслар учун автолизинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, бу балансиз фаолият юритадиган юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга ҳам лизинг хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қилади ва шу орқали уларнинг тадбиркорлик имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

Лизинг шартномаси тарафларига лизинг мулкни кимнинг балансида рўйхатдан ўтказиш масаласини мустақил ҳал қилиш имконияти берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу лизинг объектини лизинг берувчи балансида ҳисобда юритиб, жисмоний шахсларга лизинг хизматларини тақдим этиш имкониятини беради.

1.5. Лизинг тўловлари, асосан, лизинг олувчи томонидан лизинг объектидан фойдаланиш натижасида олинган даромад ҳисобига амалга оширилади. Лизинг олувчи томонидан лизинг объектидан фойдалана олмаслик лизинг тўловларининг ўз вақтида тўланишига сезиларли даражада тўсқинлик қилади ва лизинг берувчи томонидан лизинг олувчи лизинг объектидан ўз назоратидан ташқари сабабларга кўра фойдалана олмаган давр учун лизинг тўловларини кутиш адолатсизликдир.

Лизинг олувчи унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лизинг объектидан фойдаланмаган давр учун лизинг тўловларини амалга ошириш мажбуриятидан озод этилиши керак.

1.6. Бутун дунёда лизинг фаолияти ваколатли давлат органлари томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади, лизинг фаолияти учун олдиндан лицензия ёки бошқа рухсатнома олиш талаби оддий ҳол ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида лизинг фаолиятини лицензиялаш ёки бирон-бир тартибга солиш талаби йўқлиги лизинг соҳасида ноаниқлик ва шаффофсизлик, шунингдек, лизинг олувчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва

инвесторларнинг лизинг соҳасига бўш маблағларни сармоя қилишни истамаслигига сабаб бўлади.

Лизинг берувчилар фаолиятини тартибга солиш, лизинг секторига инвестицияларни жалб қилиш ва лизинг олувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида лизинг операцияларини амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқадиган ва ўз аъзолари томонидан ушбу стандартларга риоя қилинишини таъминлайдиган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот яратиш орқали лизинг фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солиш концепцияси илгари сурилган.

1.7. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти лизинг муносабатларида лизинг берувчиларнинг ҳуқуқдорлиги ва лизинг соҳасида ҳеч қандай тартибга солиш мавжуд эмаслиги сабабли лизинг олувчилар ҳуқуқларининг кўп сонли бузилишларини кўрсатмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда лизинг компаниялари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ҳамда лизинг хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари узоқ вақтдан бери мавжуд.

Биринчидан, Молия хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари бўйича вакил институтини жорий этиш, иккинчидан, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, учинчидан, лизинг соҳасида ташкил этилаётган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотга ўз аъзолари фаолияти шаффофлигини таъминлаш ҳамда улар томонидан истеъмолчиларга етказилган зарарни қоплаш бўйича махсус фонд ташкил этиш орқали молия хизматлари, шу жумладан, лизинг хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

1.8. Жаҳон амалиёти ва лизинг берувчи лизинг лойиҳасини молиялаштирадиган тараф сифатида ҳаракат қиладиган лизинг муносабатлари моҳиятидан келиб чиқиб, лизинг объекти ва унинг етказиб берувчисини танлаган лизинг олувчи етказиб берувчининг сифатли лизинг объектини ўз вақтида етказиб бериш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлиги умум эътироф этилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг лизинг қонунчилигида лизинг объектини лизинг олувчи танланган етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун лизинг компанияларини ноҳақ жалб этиш имконини берувчи зиддиятли қоидалар мавжуд.

Лизинг берувчини молиялаштирувчи тараф сифатида лизинг олувчи томонидан танлаган сотувчининг олди-сотди шартномасининг лизинг объектини етказиб бериш муддатлари ва унинг сифати бўйича талабларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этилиши керак.

1.9. Бутун дунёда жисмоний шахслар учун автолизинг лизинг бозорининг энг жадал ривожланаётган соҳаси ҳисобланади. Бундан ташқари, замонавий давлатлар энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири – аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун лизингдан кенг фойдаланмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда лизинг компаниялари жисмоний шахслар учун молиявий маҳсулотларни фаол ривожлантирмоқда.

Жисмоний шахсларга лизинг, шу жумладан, автолизинг ва уй-жой лизинги жорий этилишининг нафақат иқтисодий самараси, балки ижтимоий аҳамияти ҳам намоён этилади.

1.10. Республика раҳбарияти томонидан мамлакат учун танланган инновацион тараққиёт йўли доирасида Ўзбекистон Республикасида инновацион лизингларнинг венчур лизинги ва дастурий таъминотлар лизинги каби турларининг жорий этилиши асосланади. Лизингнинг ушбу турларининг жорий этилиши миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошишига олиб келади.

1.11. Амалдаги лизинг қонунчилигига мувофиқ, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг объекти сотувчиси лизинг субъектлари ҳисобланади ва лизингга олинган объектни муддатидан олдин қайтарган тақдирда лизинг берувчи ушбу объектни яна бир бор лизинг учун бошқа шахсга ўткази олмайдди, чунки лизинг объекти лизинг шартномаси тузилгандан кейин сотиб олиниши керак.

Лизинг соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири лизинг берувчи томонидан қайтариб олинган лизинг объекти тақдири билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал қилиш имконини яратадиган иккиламчи лизингни жорий этиш асосланган. Бу лизинг берувчиларга лизинг объектини лизингга қайта топшириш ва шу орқали лизинг муносабатлари субъектларига қонунчиликда лизинг иштирокчилари учун белгиланган қулайликлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

1.12. Бутун дунёда жадал ривожланиб бораётган ислом молияси нафақат ижтимоий аҳамияти, балки иқтисодий самарадорлиги, айниқса, глобал молиявий инқирозлар ва Сovid-19 пандемияси шароитида исботлади.

Аҳолининг 90 фоиздан ортиғи ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистон Республикасида ҳалигача исломий молия маҳсулотларини жорий этиш учун ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.

Жамиятда юқори эҳтиёжга эга бўлган ислом молиявий хизматлари, шу жумладан, ислом лизинги бўлган ижаранинг жорий этилиши асосланади. Ислом молиявий маҳсулотларининг жорий этилиши халқаро ислом молиявий муассасалари ва ислом давлатларида жойлашган ислом молиявий ташкилотларидан кўшимча инвестициялар жалб қилишга хизмат қилади.

1.13. Республиканинг янада иқтисодий ўсиши ва жаҳон иқтисодий муносабатларга интеграциясини капиталлар, шу жумладан, машина ва ускуналарнинг самарали трансчегаравий ҳаракатсиз таъминлаш мумкин эмас. Бу иқтисодиёт потенциалини ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини олиб кириш ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машина ва ускуналарни узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда сотиш учун олиб чиқиш механизмини такомиллаштиришни талаб қилади.

Хорижий ускуналар ва транспорт воситалари шаклида чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат ускуналарини кўшни давлатларга реализация қилиш имкониятларини яратадиган халқаро лизингни кенг кўламда жорий этиш учун ҳуқуқий база яратилиши мақсадга мувофиқ.

1.14. Бир томондан, Фуқаролик кодекси ва «Лизинг тўғрисида»ги қонун, иккинчи томондан, Солиқ кодекси «молиявий ижара» ва «лизинг» атамаларининг турли талқинлари лизинг хизматлари кўрсатиш амалиётида ноаниқликни келтириб чиқаради, виждонсиз лизинг берувчилар томонидан турли хил ҳуқуқбузарликлар учун бўшлиққа замин яратади. Айрим турдаги амалиётларни солиқ мақсадларида талқин қилишда ҳам муаммолар пайдо бўлади.

Молиявий ижара шартномасининг бир тури бўлган лизинг шартномаси ҳамда ижара, қарз ва кредит шартномалари ўртасидаги фарқлар кўрсатилади.

«Молиявий ижара» ва «лизинг» атамаларини бир хиллаштириб, қонунчиликда «молиявий лизинг» ягона атамасидан фойдаланиш зарурлиги асосланади.

## **II. Қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар:**

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қуйидаги мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади:

2.1.1. 587-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

### **«587-модда. Лизинг шартномаси**

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан сотувчи билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини қуйидаги шартларда тўлаш мажбуриятини олади:

